

## **ИНТЕНСИВ УСУЛЛАРНИНГ ТАЪЛИМДА САМАРАДОРЛИГИ**

**Комилова Хилола Жавлон қизи**

Урганч шаҳар 13-сон умумтаълим мактабнинг

информатика фани ўқитувчилари

**Аннотация:** Ушбу мақолада жамият ривожининг туб негизи бўлган таълим тизими ҳақида баъзи мулоҳазалар юритилган. Мақоладаги субъектив қарашлар қиёсий-танқидий руҳда баён этилган ва муаммо-ечим-натижа қолипи асосида хулоса, таклифлар бериб ўтилган.

**Калит сўз:** Педагогик тадқиқотлар, ахборот технологиялари, муаммо-ечим-натижа.

Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида қаралиб, таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини жорий этиш педагогик тадқиқотлар диққат марказидан ўрин олган. Жаҳонда масофавий ўқитиш, очиқ таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида кенг қулоқ йоймоқда.

Жаҳон сивилизациясининг ахборот майдонида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг кундалиқ фаолиятида узлуксиз равишда ахборотлардан фойдаланади. Доимий равишда ортиб бораётган ахборотлар ҳажми жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ошишига хизмат қилади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳаётининг фаолиятининг барча соҳаларида ахборотлардан фойдаланиши ахборот муҳитининг шаклланишига асос бўлади. Замонавий ахборот технологиялари муҳити ўзида ахборот объектларини, уларнинг ўзаро алоқасини, ахборотларни яратиш, тарқатиш, қайта ишлаш, тўплаш технологиялари ҳамда воситаларини,

шунингдек, ахборот жараёнларининг ташкилий-хуқуқий таркибини мужассамлаштирган бўлади.

Фан, техника ва технологик тараққиётнинг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни орасидаги мавжуд номувофикликни бартараф этиш, олий педагогик таълим тизимида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Шу ўринда таълим тизимини юртимизда жорий даврда кечаётган вазият билан қийслаб кўрсак: Ёрқин келажакни фақатгина ўз соҳасида чуқур билим ва кўникмага эга ёшлар билан кура оламиз. Ўзбекистонда ҳозирги ёшларнинг аксариятига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг 17-18 ёшларидагина маълум бир касбга йўналтирилиш ҳолатини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, шу ёшининг ўзида ҳам муайян касбни қатъий тутмасдан, олий таълим муассасасига кириш учун тайёрлов курсларига қатнайди. Баъзи ёшларимиз эса 3-6-уринишда талаба бўлишади. Маълум бир йўналишда, яъни ўз салоҳияти етадиган йўналишда эмас, номига талаба бўлсам бўлди қабил остида қизиқиши бўлмаган йўналишларда 4-5 йил таълим олишади. Хўш, ўз соҳасига қизиқиши бўлмаган, номутахассис фанлар билан аралаш тарзда кечадиган таълим жараёнда ёшларимиз энг зўр кадр, халқаро рақобатбардош соҳа мутахассиси бўлиб чиқа оладими? Катта эҳтимол билан йўқ, албатта. Бу муаммони бартараф қилиш учун таклиф сифатида қуйидагиларни билдириб ўтишимиз мумкин. Ҳозирги олимларнинг изланишларига кўра ҳар бир болада маълум бир соҳага лаёқат ёшлик пайтидаёқ намоён бўлар экан. Хусусан, биз ёшларимизнинг касбга оид тушунчаларини 4-6 ёшлариданоқ бойитиб боришимиз лозим. Ҳозирда фарзандларимиз кун давомида боғчада, мактабда вақтини умумий тарзда ўтказишмоқда. Хўш, уларнинг ёшлик пайтини ўз салоҳиятлари, қизиқишларига оид касбий тушунча ва кўникмалар билан тенг олиб борсак нимани йўқатамиз?! Бу мураккаб жараёнми?! *Амалга ошириш механизми.* Бу гоёни амалга ошириш тизимли тарзда, босқичма-босқич олиб борилади. 1. Ёш болаларимизда қайси касбга лаёқат борлигини аниқлайдиган махсус ташкилот,

кўмита тузилади. Уларнинг асосий вазифаси болалардаги кизиқишни тўғри баҳолаб, муайян соҳага йўлланма беради. Кўриқдан ўтган болалар эса доимий сақланадиган рўйхатга олинади. Махсус ишчи гуруҳ болалардаги ўзгаришларни назорат қилиб боради. 2. Ҳар бир боғча, мактабларда ҳафтанинг икки кунда алоҳида касбга тайёрлаш марказларида (вилоят, шаҳар, туманларда алоҳида биттадан) билим олишади. 3. Тез-тез соҳаларга тегишли ташкилот ва идораларда экскурсиялар, соҳа вакиллари билан суҳбатлар ўтказилади. *Эришиладиган натижа.* Бу тизим орқали ҳар бир болада касбий салоҳият ёшлигидан яхши ривожланади, чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлади. Энг муҳими юртимиздаги мутахассислар сифат бўйич дунё рейтингда биринчиликка чиқишади. Ўз-ўзидан юртимизда ҳар бир соҳа шиддат билан ривож топади. Соҳаларнинг ривожига эса ҳам иқтисодимизга, ҳам сиёсатимизга, ҳам ижтимоий ҳаётимизга ижобий ўзгаришлар олиб келади.

Фан ва техника соҳасида содир бўлаётган муҳим янгиликлар, уларга оид материалларни ўқув дастурлари, шунингдек, дарсликлар мазмунига жадал киритишни талаб этади. Бу эса талабаларда замонавий билимларнинг шаклланишига замин яратади. Замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши, турли методик ёндашувлар ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларнинг нисбатан осон, қулай ва мустаҳкам шаклланишига кенг имкониятларни юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимининг ўзини ислоҳ қилишимиз, ундаги камчиликларни бартараф этиш ёки ютуқларни оширишга қаратилган тадқиқот ишларини янада қўллаб-қувватлаш энг олий вазифалардан биридир. Зеро, Президентимизнинг “Эндиги вазифа – нафақат илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган самарали механизмларни яратишдан иборат”,<sup>17</sup> деган жумлалари фикримизнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигига асос бўла олади. Бундан ташқари қуйидаги қарорда ҳам илмий-

<sup>17</sup> O‘zRes Prezidenti SH.Mirziyoyevning mamlakatimiz ilmiy jamoatchiligi vakillari bilan uchurashuvdagi nutqi (2016 30-dekabr). Milliy taqarqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘tarilamiz. “O‘zbekiston” nashriyoti. Toshkent-2017. 177-bet.

тадқиқотларнинг аҳамиятлилик жиҳатидан қабул қилиниши белгилаб қўйилган. “Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, давлат дастурлари ва концепсияларда баён этилган вазифа ва топшириқлар асосида ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган ўзига хос муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжидан келиб чиқиб муурожаатга мувофиқ қабул қилинади”.<sup>18</sup> Ўйлаймизки, таълим тизими бўйича илмий иш олиб бораётган тадқиқотчилар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ушбу фикрларимиз ҳар қандай ҳолатда ҳам аҳамиятлидир ва масъуллар томонидан кўриб чиқилган тарзда амалиётга татбиқ этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. ЎзРес Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 09.03.2020-йилдаги 133-сон. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг нормативе-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
2. ЎзРес Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учурашувдаги нутқи (2016 30-декабр). Миллий тақарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтариламиз. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент-2017. 177-бет.
3. Муаллифлар гуруҳи. Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “Фан” нашриёти. Тошкент – 2011.

---

<sup>18</sup> O‘zRes Vazirlar Mahkamasining qarori, 09.03.2020-yildagi 133-son. Ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni rivojlantirishning normative-huquqiy bazasini yanada takomillashtirish chora- tadbirlari to‘g‘risida.